

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИДА ТИНЧЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Жамолiddин Каримов

*Имом Мотуридий халқаро илмий-
тадқиқот маркази директори*


Ўзбекистон инсоният тарихининг илк даврларидан бошлаб жаҳон цивилизациясининг ҳурфикрлилик ҳамда маданий хилма-хилликка эга бўлган йирик марказларидан бири бўлиб келган. Ушбу заминдан етишиб чиққан буюк мутафаккир алломалар, дунёвий ва диний илм намояндалари бўлган йирик олимлар ўз асарлари, илмий кашфиёт ва ихтиролари билан илм-фан ривожига бебаҳо ҳисса қўшганлар.

Бугунги мафкуравий зиддиятлар, ғоявий қарама-қаршилиқлар тобора авж олиб бораётган глобаллашув шароитида аждодларимизнинг илмий меросида илгари сурилган диний бағрикенглик, тинчлик-тотувлик, ҳамжиҳатлиликда ҳаёт кечиришга оид ғоя ва қарашларни ўрганиш, уларни амалий ҳаётга, янада аниқроғи, замон талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган жисмонан соғлом, руҳан барқарор, маънавий баркамол ҳамда дунёвий ва диний билимларни пухта эгаллаган ёшларни тарбиялаб етиштириш жараёнига татбиқ этиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб ҳисобланади.

Шу сабабли, бугунги кунда юртимизда аждодларимизнинг бой илмий-маънавий меросини ўрганиш ҳамда кенг жамоатчиликка тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, минг йиллар давомида мусулмон оламида юксак қадр-қиммат ва ҳурматга сазовор бўлган алломалар – Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абул Муин Насафий, Абу Ҳафс Насафий, Абул Баракот Насафий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий каби олимларнинг ҳаёти ва илмий фаолияти юзасидан халқаро мақомга эга бўлган илмий-тадқиқот марказларда йирик фундаментал лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида нафақат халқимиз, балки бошқа мамлакатлар аҳолиси ҳам юртимиз ҳудудидан етишиб чиққан олимларнинг илмий меросини ўз тилларида ўқиш, уларнинг ҳаёти, инсон тараққиётига қўшган ҳиссаси билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлмоқда.

Замон ривожланиб, инсонларнинг ахборот қабул қилиш имкониятлари кенгайган сари, интернет ва ижтимоий тармоқларда дин номидан гапириб, одамларнинг тўғри йўлдан чалғишига сабаб бўлаётган мутаассиб шахс ва





гуруҳлар фаолияти ҳам сезиларли даражада жадаллашиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, яна қайта-қайта аждодларимизнинг меросига мурожаат қилиш, уларнинг асарларида ёритилган мўътадил таълимот ҳамда бағрикенглик ғояларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, шу асосда бузғунчи ғояларга қарши курашиш ҳамда кишилар онгида уларга қарши мустаҳкам мафкуравий иммунитет шакллантириш заруратини тақозо этмоқда. Ушбу заруратни рўёбга чиқариш биздан мустаҳкам илмий-назарий ва ғоявий асосга эга бўлишни талаб этади.


Бу борада, юртимиздан етишиб чиққан буюк мутафаккир аллома Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимоти асрлар давомида мутаассиб оқимлар ғояларига қарши кураш майдонида муҳим амалий аҳамият ҳамда юксак самарадорликка эга бўлгани билан алоҳида ажралиб турган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Имом Мотуридийнинг ақидавий қарашлари, унинг асарлари мазмунини ташкил этувчи эзгу ғоя ва умуминсоний кадриятлар, айниқса мотуридийлик таълимоти узоқ асрлар давомида инсонлар маънавиятининг юксалиб, жамиятда тинчлик ва бағрикенглик муҳитининг мустаҳкамлашга хизмат қилиб келган. Мутафаккир алломанинг ўз давридаги мутаассиб оқимларга қарши кураш методологияси, хусусан, бу жараёнда ҳам ақлий, ҳам нақлий далиллардан бирдек фойдалангани ислом динига ёт бўлган бузғунчи ғояларнинг барҳам топиб, мўътадил таълимотнинг кенг қулоч ёзишида муҳим аҳамият касб этган. Шу тариқа, Имом Мотуридий дунё мусулмонларининг эътиқодий бирлиги ҳамда ҳамжиҳатлилигига улкан ҳисса қўшган. У мутаассиб оқимларга қарши олиб борган курашнинг ғоявий асосининг алломанинг “Қуролингни илмдан яса” деган ҳикмати ташкил этган.

Ислом оламида Имом Мотуридий сиймосининг юксак қадрланишидан ташқари, унинг яна бир муҳим жиҳати ҳам борки, бу у асос солган таълимотнинг бугунги ғоявий курашлар авж олган глобаллашув даврида жамиятда учраётган айрим ихтилофли ақидавий масалаларга ечим топиш, жумладан, бузғунчи оқимларнинг ғояларига қарши нақлий ҳамда ақлий далиллар асосида раддиялар бериш ҳамда диний бағрикенгликни мустаҳкамлашда муҳим амалий аҳамиятга эга эканлиги билан ифодаланади.

Имом Мотуридийнинг илмий меросига назар ташлайдиган бўлсак, унинг “Таъвилот ал-Қуръон”, “Китоб ат-тавҳид” каби асарларида инсон ҳуқуқлари, бағрикенглик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби бугунги кун учун долзарб саналган бир қатор масалалар кўтарилганини кўриш мумкин. Жумладан, буюк мутафаккир аллома Имом Мотуридий ўзининг Қуръони карим тафсирига бағишланган “Таъвилот ал-Қуръон” асарида “Бақара” сурасининг 150-оятда





келган “Бу сизларга неъматларимни (янада) мукамал қилиб беришим учун” жумласининг шарҳида таъкидлаб ўтганидек, дунёда тинчлик ва адолатни ўрнатишдан кўра каттароқ неъмат йўқдир. Дарҳақиқат, тинчлик ва ҳақиқатни юзага чиқариш ҳар доим инсоният тараққиётининг муҳим омили бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Шу билан бир қаторда, Имом Мотуридий ер юзида инсонлар ўзаро бағрикенглик асосида тинч ва фаровон ҳаёт кечиришлари лозимлигига тўхталиб, “ер аҳли”га бағрикенглик ва раҳм кўзи билан қарамаганларга “само аҳли” томонидан раҳм кўрсатилмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Зеро, Аллоҳ таоло бандаларга ўзаро мулойим ва раҳмдил муносабатда бўлишни буюрган. Умуман олганда, аждодларимиздан бизга қадрият сифатида мерос бўлиб қолган биродарлик ҳамда диний бағрикенглик тамойиллари, шунингдек, ҳозирги вақтда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан юқори минбарлардан туриб илгари сурилаётган миллатларо, динлараро ва давлатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга қаратилган мазкур таклиф ва ташаббуслар халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, юртимизда аждодлар меросида келган диний бағрикенгликка оид ўғитларни рўёбга чиқариб, бу ишга муносиб ҳисса қўшган давлат ва жамоат ташкилотлари ходимларини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 25 сентябрдаги 495-сонли Қарори билан “Диний бағрикенглик” кўкрак нишони таъсис этилди. Ушбу кўкрак нишонининг таъсис этилиши Ўзбекистонда барча дин ва миллат вакилларига бир кўз билан қаралишига, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга алоҳида эътибор кўрсатилаётганига далолат қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон раҳбарияти аждодларимизнинг илмий меросида ёритилган эзгу ғоя ва умуминсоний қадриятларни янада сайқаллаштирган ҳолда, халқаро майдонда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти каби нуфузли ташкилотларнинг минбаридан туриб, хавфсизлик, инсон ҳуқуқлари, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, экстремизм ва терроризм каби инсоният олдида турган глобал муаммоларнинг ечими юзасидан аниқ таклиф ва ташаббусларни илгари сурмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2023 йил 19 сентябрь санасида бўлиб ўтган 78-сессиясида сўзлаган ўзбек тилидаги нутқида жаҳон ҳамжамияти эътиборига ҳавола қилган муҳим таклиф ва





ташаббуслар ташкилотга аъзо мамлакатлар вакилларининг юксак эътибор ва эътирофига сазовор бўлди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ислохотларда аждодларимизнинг илмий-маънавий меросида келган миллий ва умуминсоний қадриятларга алоҳида ўрин ажратилмоқда. Кўп асрлик бой тарихимиз, ранг-баранг маданиятимиз ҳамда ривожланишнинг илғор замонавий тенденцияларини интеграциялаштириш йўлидан бораётган Ўзбекистон нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки халқаро ҳамжамиятнинг ўз сўзига эга бўлган фаол иштирокчисига айланиб бормоқда.

